

# ЛЕНИН ҒОЯЛАРИ ЯШАМОҚДА, ТАҒТАНА ҚИЛМОҚДА

БУТҮН ДҮНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

## ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ  
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ  
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 79 (2627).

Сешанба, 21 апрель 1964 йил.

Баҳоси 2 тийин.

### МИЛЛИОНЛАР МУСОБАҚАСИ

Дилга яқин қадрдон ўлка-  
мизда баҳор. Поёни йўқ боғ-  
роғларинидаги дараклар кўзи-  
ни олдуқ хилма-хил гулга  
бурканган. Бутун борлиқ, та-  
биат уйғониб, ўз кўркини, чи-  
ройини кўз-кўз қилди. Нақа-  
дар оромбахш, нақада кўҳлиқ  
бу фасл!

Ҳиммати баланд, мақсади  
улғу деҳқон барака уруғи-  
ни она-ер кўсига қадомда.  
Ғайрат камарини маҳкам боғ-  
лаган қолхозчи, совхоз ишчи-  
си бу йил ўзгача ғайрат билан  
меҳнат қилди. Социалистик  
экономиканинг қурагани  
юрғи бўлган индустриямиз  
бардам оқимлар билан тинмай  
олга қадам ташламоқда. Бепе-  
ён қолхоз ва совхоз дала-  
ларининг миришқор меҳнаткашлари  
ҳам ушбу ҒОЯЛАРИНИ БОШҚАРА-  
ётган азамат энергетика-  
миз, қурагани машиналарини  
бошқараётган ишчиларимиз, ос-  
монлар бинолар барпо этаёт-  
ган қурувчиларимиз, ҳосил ба-  
расини яратётган химика-  
римиз ҳам — ҳамма, барча касб  
ишчилари шу кунларда алоҳи-  
да ғайрат, алоҳида шикоят  
қўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Бу ўзгача ғайратнинг ўзга-  
ча ҳиматининг боиси бор, аз-  
батта. Яна бир неча кундан  
сўнг бутун дунё меҳнаткаш-  
ларининг бирлигига кўч қуи,  
барча мамлакатлар ишчилари-  
нинг қардошлари ва дўстлари  
байрами — 1 Майни нишонлай-  
миз. Совет ишчиларининг ажи-  
тб традицияси бор. Шонли  
кунларини, байрамларини меҳнат  
фронтининг барча жаҳонларига  
янги ютуқлар, янги зафарлар  
билан қарши олиш уларнинг  
азалий яхши одатидир. Завод  
ва фабрикалардаги, қолхоз ва  
совхозлардаги меҳнат кўтар-  
кичилигининг боиси ҳам мана  
шундир.

КПСС Марказий Комитети-  
нинг 1 Май Қайириларидан  
руҳланган областимиз меҳнат-  
кашлари барча совет ишчилари  
билан бир гаторда коммуни-  
стнинг моддий-техника базасини  
барпо этиш йўлида ҳормай-  
толмай меҳнат қилмоқдалар.  
Коллективлар ўртасида давлат  
планиларини ҳақида олигани со-  
циалистик мажбуриятларини тў-  
ла ва ортиги билан бажариш  
мақсадида байонли социалистик  
мусобақа байроғи тобора баланд  
қилинмоқда. Тошкент маши-  
насозлари, Янгйўл пойафзал-  
чилари, Бекобод металлурга-  
ри, Олмалик бинокорлари, Чи-  
рчиқ химикалари, Оқангирин шак-  
тёрлари мамлакат учун, кун  
сайин гурқираб ривожланиб,  
ўсаётган халқ ҳўжалиги учун  
имкони борича кўпроқ махсу-  
лот бериш мақсадида ташаббус  
қўрсатиб ишламоқдалар. Май-  
олди социалистик мусобақаси  
ўсиш, улағиш учун эконо-  
миканида нақада битмас-тути-  
мас резервлар борлигини яна  
бир бор илқод қўрсатиб тур-  
ибди. Ана шу имкониётлардан  
ишнинг кўзини қилиб фойдала-

наётган илғор коллективлар  
маҳсулот ишлаб чиқаришини кў-  
пайтириш, унинг сифатини ях-  
шилаб, таннархини камайтириш  
йўлида янгидан-янги муваффа-  
қиятларини қўлга киритмоқда-  
лар.

Областимизнинг шаҳар ва  
қишлоқларида майолди соци-  
алистик мусобақасида эришилган  
дастлабки натижалар ҳақида  
қувончли хабарлар етди уш-  
май келиб турибди. Чириққ х-  
микларининг ютуғи айниқса кат-  
та бўлди. Ерга қўвват, ҳосилга  
баржа бахш этувчи минерал  
ўғит тайёрлаш квартал топи-  
рини муддатидан илгари адо  
этилди, қишлоқ ҳўжалиқ меҳ-  
наткашлари учун пландан таш-  
қари кўп миқдорда ўғит жу-  
натилди. Мана қарийб икки ҳаф-  
та бўлдики, Чириққ электрохи-  
мия комбинати бағрида қад  
кўтарган улкан янги цех ўғит-  
лар сараси ҳисобланган қара-  
мид ишлаб чиқармоқда.

Машинасозларимиз ҳам иш  
суръатини тобора оширмоқда-  
лар. Улар дала ишларини ком-  
плекс механизациялаш, деҳқон-  
лар оғирини енгил, узогини  
яқин қилиш мақсадида, соци-  
алистик қишлоқ ҳўжалигини  
интенсиվлашдек умумхалқ иш-  
ига мусоиб ҳисса қўлиш ора-  
сида филокларни қўрсатишмоқ-  
да. Биргина «Ўзбексельмаш»  
заводининг азаматлари январь  
ва февраль ойлари ичида па-  
такорларимиз учун 1231 та чи-  
гитини квадрат-уялаб акадиган  
сейтка ишлаб чиқардилар.  
Бу — пландагидан 71 та кўп  
демакдир. Эришилган ютуқлар-  
ни мустаҳкамлаш мақсадида  
астойдил ғайрат қилган маши-  
насозлар март ойида 600 маши-  
на тайёрлаб, қолхоз ва совхоз-  
ларга жунадиладар.

Омманнинг кун сайин ўсаёт-  
ган ташаббусини, ғайратини  
ишлаб чиқаришини юксалтириш-  
га сафарбар этилаётган жой-  
ларда ана шундай қувончли  
натижаларга эришилаётди. Қар  
бир коллектив байрам шарофи-  
та ўз зиммасига юксак мажбу-  
рийят олган. Халқ оқлида берил-  
ган ана шу ваъданинг шараф  
билан бажарилишини таъмин-  
ловчи барча шартларнинг яри-  
тиб бериш — ҳўжалиқ раҳбар-  
ларининг, партия, комсомол ва  
касба союз ташкилотларининг  
муҳим вазифасидир. Бунинг  
учун ишлаб чиқариш ва меҳ-  
натини тўғри ташкил этиш, ҳар  
бир цех, ҳар бир участканинг  
қатъий график асосида бир  
меёрда ишлашини таъминлаш,  
планилаштириш ва таъминот  
соҳасидаги камчиликларини из-  
чиллик билан тугатиш лозим.

Социалистик мусобақа — мил-  
лионларнинг жонли ишидир.  
Маҳаллий партия ташкилотла-  
ри омманнинг куч-ғайратини, и-  
жодий ташаббусини ошириш, унинг  
яратувчилик қобилиятини бутун  
тўлалиги билан юзга чиқариш-  
да беишқол катта роль ўйнайди.  
Социалистик мусобақага раҳбар-  
лик қилишни кун сайин яхши-

лашлари, бу соҳадаги расмий-  
чилик, дабдабаозликни қатъи-  
ят билан тугатишлари, мусоба-  
қанинг бераётган ажойиб нати-  
жаларини ўз вақтида яқинлаб  
туриш ва ундан ҳар бир кол-  
лективни хабардор қилиш маса-  
даларига алоҳида эътибор бер-  
моқлари лозим. Мусобақа жа-  
раёнида юзга келаётган янги-  
ликларни, ташаббусларни ўз  
вақтида пайдай биллиш, уларни  
қўллаб-қувватлаш ва кенг олма-  
лаштириш — завод ва фабрика,  
курлиш ва транспорт ташки-  
лотлари, қолхоз ва совхоз бош-  
ланғич партия, комсомол ҳамда  
касба союз ташкилотларининг  
жонажон ишидир.

Баҳодир етти йиллигимизнинг  
олтинчи йили республикамиз,  
шу жумладан областимиз меҳ-  
наткашлари учун алоҳида ҳо-  
сисити, алоҳида аҳамиятли йил-  
дир. Бу йил биз Ўзбекистон  
ССР ининг ва Ўзбекистон Ком-  
партиясининг 40 йиллигини бай-  
рам қиламиз. Шундай экан,  
анимага олинган юксак мажбу-  
рийатларини шараф билан баж-  
ариш учун бошланиб кетган  
умумхалқ курашидан бирорта  
ҳам коллектив четда қолмасин,  
социалистик мусобақа байроғи  
тағин ҳам баландроқ қилинай-  
берсин.

Совет Иттифоқи меҳнаткаш-  
лари! Умумхалқ социалистик  
мусобақасини кенгайтиришга!  
Етти йиллик олтинчи йили  
планини муддатидан илгари ба-  
жарайли!

Бизни ҳаяжонли туйғулар қам-  
раб олганда, бутун планетада ту-  
шунарли бўлган тилга — музика,  
қўшиқ ва рақс тилига мурожаат  
қиламиз. Бу тил ҳаммага тушу-  
нарли, ҳар бир кишининг қалбига  
етиб боради. Бу тилда инсоннинг  
энг асл орузлари, унинг Ватанга  
муҳаббати, меҳнат ва ижод ку-  
вончи ифодаланади... Шу нарсал-  
ларнинг ҳаммасини музика учун  
бир аккорда тўллаб, ер узра  
янғир бошласа, биз байрам ба-  
расини, қўлдам нафасини ҳис қи-  
ламиз.

Музика байрами... Мамлакатим-  
из халқлари дўстлигининг улғу-  
вор симфонияси, Россия, Укра-  
на, Белоруссия, Ўзбекистон, Ар-  
манистон қўшиқлари, жоҳончи-  
кечиз Ватанимизнинг ҳамма то-  
монларидаги қўшиқлар бирига қў-  
шилган симфониядан ҳам гўзал-  
роқ нарс а бўлиши мумкинми. Жо-  
нажон Коммунистик партия раҳ-  
барлигида ер юзигада энг алолат-  
ли жамият кураётган бирорда  
халқлар бузилмас дўстлигининг бу  
симфонияси 18 апрель кунини Ўз-  
бекистон пойтахтида янграй бош-  
лади. Совет музикасининг бу бай-  
рами «Тошкент баҳори» деб ата-  
лади.

Фестивалнинг баҳорги машғули  
яқинда Ўзбекистонда ўтказилган  
рус адабиёти ва санъати декада-  
сининг умқиундан ёниб кетди.  
Алишер Навоий номида Ўзбеки-  
стон академик опера ва балет те-  
атри. «Тошкент баҳори» респу-  
блика шаҳар ва қишлоқлари бўй-  
лаб ўз сафарини шу ерда бош-  
лапти. Томоша зали лиқ тўла. Бу  
ерга баҳорнинг ўзи ҳақиқатан ҳам  
ўз вақилларини — даладар, боғ-  
лар ва тоғларнинг яшнаб турган  
гулларини юборганга ўхшайди.

Президиум столи ёнидан фести-  
валь қатнашчилари, Ўзбекистон

ЭРТАГА  
ВЛАДИМИР  
ИЛЬИЧ  
ЛЕНИН  
ТУҒИЛГАН  
КУНГА  
94 ЙИЛ  
ТЎЛАДИ

### ЛЕКЦИЯ ВА СУҲБАТЛАР

В. И. Ленин кунлари арафасида  
Чириққ шаҳрида қўллаб лекция ва  
суҳбатлар ўтказилаётди. «Чириққ-  
сельмаш» заводида «В. И. Ленин»,  
«Ленин рус ва Шарқ халқлариники  
дўстлиги ҳақида», «Ленин Комму-  
нистик партия ва Совет давлати-  
нинг асосчиси» каби темаларда лек-  
ция ва суҳбатлар ўтказилди. Бу ер-  
да ташкил этилган китоб витрина-  
сида Ленин ҳақидаги асарлар қў-  
йилган.  
Т. СИҲАРУЛИДЗЕ.

Тошкент темир йўл транспорт  
ишкерлари институтини кутубхона-  
сида улғу доҳийини ҳаёти ва рево-  
люцион фаолиятини ақс эттирувчи  
истаека ташкил этилди. Институт  
комсомоллари ва кутубхона ходим-  
лари фотоаппарат тайёрлаш  
лар. Институт кинолекторийсида эса  
Владимир Ильич Ленинга бағишлан-  
ган кинофильмлар намойиш қилин-  
моқда.


КПСС тарихи кафедрасининг про-  
фессор-фигурачилари, студентлар Ле-  
нин район саноат корхоналариники  
ишчилари ўртасида «Лениннинг уч-  
тилас сиймоси», «Ленин жаҳон про-  
летариатиники доҳийси», «Ленин ва  
коммунизм» деган темаларда лекция  
ва суҳбатлар ўтказмоқдалар.

М. СУЛТОНОВ.

Тошкент шаҳар меҳнаткашлари  
пролетариат доҳийси В. И. Ленин  
туғилган кунининг 94 йиллигини му-  
носиб китоб олмақдалар. Маданият  
уйлари, «Билим» жамиятиники раб-  
он бўлимида меҳнаткашлар ўртаси-  
да лекция ва суҳбатлар, театр-  
кечалар юксак коммунистлар, КПСС  
XXII съезди делегатлари билан уч-  
рашулар ўтказмоқдалар.

Ленин ҳақидаги тарихий, револу-  
цион ва ҳўжжати-хроникаль филь-  
млар намойиш қилинмоқда.

М. ЗАРИПОВ.



Владимир Ильич ЛЕНИН.

## ДУСТАИК СИМФОНИЯСИ

### Совет музикаси фестивали — биринчи „Тошкент баҳори“нинг очилиши

пойтахти жамоатчилигининг ва-  
зиллари, республика ижодий та-  
шкилотларининг раҳбарлари жой  
оладилар.

Президиумда КПСС Марказий  
Комитети Ўрта Осиё Бюроси раи-  
сини ўринбасарлари В. К. Аку-  
лишев, С. М. Веселов, Ўзбекис-  
тон Компартияси Марказий Коми-  
тети Президиумининг аъзоси В. А.  
Карлов, Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитети Президиуми  
аъзолигида кандидатлар Қ. Мур-  
тазоев, И. М. Нажесткин ўтириб-  
дилар.

Ўзбекистон Компартияси Мар-  
казий Комитетининг секретари  
Р. Н. Нишонов меҳмонларга ва  
фестиваль қатнашчиларига табрик  
нутқи билан мурожаат қилди.

— Бутун, — дейди Р. Н. Нишо-  
вов, — «Тошкент баҳори» деб ата-  
ладиган совет музика фестивали  
очилди. Бу — Совет социалистик  
Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳаё-  
тидаги қувончли, тўлиқлангич  
иш воқеасидир. Фестиваль респу-  
блика меҳнаткашлари учун шонли  
кунларда — Ўзбекистон ССР ва  
Ўзбекистон Компартиясининг 40  
йиллик байрамига тайёргарлик  
кунларида ўтказилмоқда.

Бу фестиваль меҳнаткашлар-  
нинг эстетик тарбияси учун, халқ-  
да юксак бадиий дид ва маданий  
малакаларни шакллантириш учун  
катта аҳамиятга эга бўлган илғор  
совет музикасини пропаганда қи-  
лишга ёрдам беради. Фестиваль  
қардош маданиятларининг бундан  
бўён ҳам ўзаро бойиши ва яқин-  
лашувига хизмат қилади, КПСС  
Программасидаги СССР халқлари  
маданиятининг социалистик ма-  
данийлик

мунини ривожлантириш тўғриси-  
даги қондаларни амалга ошириш  
йўлида қўйилган яна бир қадам  
бўлади.

Республикамизда кейинги вақт-  
ларда адабиёт ва санъатини янада  
ривожлантиришга, уларнинг илғор  
рус маданияти ва мамлакатимиз-  
даги барча қардош халқлар мада-  
нияти ҳазинасидан баҳраманд бў-  
либ бойишига қаратилган бир қан-  
ча тадбирлар ўтказилди.

Бизда яхши традиция бўлиб  
қолган қардош маданиятлар ҳаф-  
таликлари ва декадаларининг ўт-  
казилиши ана шу тадбирлардан  
биридир. Яқиндагина Ўзбекистон-  
да рус адабиёти ва санъати дека-  
даси бўлиб ўтган эди. Декада рес-  
публика маданияти ҳаётида гоёт му-  
ҳим аҳамиятга эга бўлган воқеа  
бўлди. Декада илғор социалистик  
маданиятининг шодона байрамига,  
совет кишилари дўстлиги ва қар-  
дошлиқдан иборат ленинчи сийбас  
тантанасининг, ўзбек халқи билан  
ушбу катта оғаси — улғу рус  
халқи ўртасидаги бўзилмас бир-  
лигининг чинакам намойишига ай-  
ланди.

«Тошкент баҳори» фестивали  
ҳам ана шу яхши традициянинг  
давомидир.

Бутун совет халқи билан бир-  
галликда ёзувчиларимиз, композ-  
иторларимиз, рассомларимиз, барча  
ижодий интеллигентларимиз илҳом  
билан меҳнат қилмоқдалар. Улар  
янгида-янги асарлар билан Ва-  
танин хурсанд қилмоқдалар. Ма-  
даният арбобларининг Коммуни-  
стик партия ва Совет ҳукумати  
раҳбарлари билан унутилмас учра-  
шуви, бу учрашувада Никита Сер-  
геевич Хрущёв сўзлаган ёриш

ва чуқур мазмунли нутқ бутун  
бадиий интеллигенция учун йўлчи  
юлдуз, илҳом бахш меҳнатнинг  
битмас-туганмас манбаи бўлиб  
қолди.

Кейинги вақтларда Ўзбекистон-  
да музика маданиятини ривожлан-  
тириш соҳасида кўпгина муваффа-  
қиятларга эришилди. Республика  
композиторлари улғу давримизни  
ақс эттирувчи ва халқ ўртасида  
кенг танилган бир қанча асарлар  
яратдилар. Музика ва хор коллек-  
тивларининг маҳорати ошди. Со-  
вет музикаси ёришроқ, марокд-  
роқ ва бир мақсадни қўллаб про-  
паганда қилинмоқда.

Совет музикаси фестивали му-  
зика санъатини ривожлантиришда  
янги омил бўлади. Фестиваль рес-  
публикамиз композиторлари, му-  
зикачилари, қўшиқчилари ижоди-  
нинг янада равнақ топишига ва  
маҳоратининг ошишига ёрдам бе-  
ради.

Фестиваль программаси қизи-  
қарли ва хилма-хилдир. Тошкент,  
Самарқанд, Фарғона ва респу-  
бликамизнинг бошқа шаҳарлари-  
нинг ҳамма театрлари ва клубла-  
рида жуда кўп концертлар, музи-  
ка маданияти ҳақида оммабоп  
лекциялар бўлади, санъат устала-  
ри Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқ-  
ларининг меҳнаткашлари билан  
учрашадилар.

Меҳмонларимиз — мамлакат-  
нинг таниқли композиторлари —  
республика — композиторларининг  
янги асарларини тинглайдилар.  
Ўзбек музика санъатини янада  
ривожлантириш йўлини тўғрисида  
катта ва фойдали мунозара  
бўлади.

Фестивальда иштирок этиш  
учун серкўёш ўлкамизга атоқли  
совет композиторлари, ўз илҳом-  
бахш ижодлари билан умумхалқ  
хўрмати ва ҳамманинг муҳаббати-  
га сазовор бўлган таниқли артист-  
ларнинг катта гуруписи келди.  
Биз бутун фестиваль раҳбари  
— атоқли совет композитори, та-  
ниқли жамоат арбоби, СССР Итти-  
фоқи халқ артисти, Ленин ва дав-  
лат мукофотларининг лауреати,  
Москва давлат консерваторияси-  
нинг профессори Дмитрий Дми-  
триевич Шостаковични зўр мам-  
нуниёт билан табриқлаймиз.

Фестивалимизга атоқли совет  
композиторларидан бири, жамоат  
арбоби, СССР Иттифоқи халқ ар-  
тисти, Ленин ва давлат мукофот-  
ларининг лауреати, Москва дав-  
лат консерваториясининг профес-  
сори Арам Ильич Хачатурян кел-  
ди. Атоқли совет дирижери —  
СССР Иттифоқи халқ артисти, дав-  
лат мукофотлари лауреати Ален-  
сандр Шамилевич Мелик-Паша-  
ев ва СССР Иттифоқи халқ артис-  
ти, давлат мукофотлари лауреати  
Юрий Федорович Файер биз би-  
ла бирга ўтиришди.

Яқинда «Тошкент баҳори» фести-  
валида қатнашмоқ учун етакчи  
совет композиторларидан бири,  
СССР Композиторлари соҳаси

правленисининг биринчи секретари,  
СССР Иттифоқи халқ артисти,  
давлат мукофотлари лауреати,  
Москва давлат консерваторияси-  
нинг профессори Тихон Николае-  
вич Хренников ва машҳур совет  
композитори, РСФСР халқ артис-  
ти Вано Ильич Мурадели Ўзбе-  
кистонга келишди.

«Тошкент баҳори» совет музи-  
каси фестивалида таланти қўшиқ-  
чи, СССР халқ артисти Гоар Гас-  
парян, РСФСРда хизмат қўрсат-  
ган артист Абрам Львович Стасе-  
вич, СССР Большой академик  
опера ва балет театрининг со-  
листи, РСФСР халқ артистлари  
Леонидия Игнатьевна Маслен-  
никова, Александр Павлович Ог-  
нищев, РСФСРда хизмат қўрсат-  
ган артист Евгений Семёнович  
Белов, Ленин ордени Швейцко  
номили Киев давлат академик опе-  
ра ва балет театрининг солисти,  
Украина ССРда тизмат қўр-  
сатган артистлар Ламара Гри-  
горьевна Чкония, Владимир  
Ильич Тихомиш, Москва оперетта  
театрининг солисти, РСФСРда  
хизмат қўрсатган артист Татьяна  
Ивановна Шмига, Павлова номили  
халқаро мукофот лауреати,  
РСФСРда хизмат қўрсатган ар-  
тист Элеонора Евгеньевна Власо-  
ва ҳамда мамлакатимиз музика ва  
театр санъатининг бошқа кўпгина  
машҳур арбоблари қатнашадилар.

Чайковский номили Москва дав-  
лат консерваторияси хузурида  
Марказий бошлар музика макта-  
бининг ўқувчиси 12 яшар Катя  
Новицкая фестивалимизнинг энг  
ёш иштирокчиларидир.

Бутун халқ севиб қолган «Бе-  
реза» ансамблининг ҳамда Бело-  
руссия ССР давлат халқ хор-  
ининг бутун мамлакатта маълум  
коллективлари Ўзбекистонга кел-  
дилар.

Ўртоқ Нишонов ўз нутқининг  
охирини бундай деди: Мен зўр  
мамнуниёт ва шодон билан шу-  
ни айтмакчи. Ўзбекистон Ко-  
мпартияси Марказий Комитети, Ўз-  
бекистон ССР Олий Совети Пре-  
зидиуми ва Министрлар Совети-  
нинг топиригига биноан, совет  
Ўзбекистонининг барча меҳнат-  
кашлари номидан азиз ва қадри  
меҳмонларимизни қизғин ва са-  
мимий табриқлайман, улар рес-  
публикамизга келганликлари учун  
зўр миннатдорчилик билдираман  
ҳамда сийхат-саломатлиги, олим-  
ноб меҳнатларида янгидан-янги  
катта ижодий муваффақиятлар  
тилайман.

Қадри меҳмонларимиз! Қадри  
дўстлар! Ишчилар, қолхозчи-  
лар интеллигентлар — серкўёш  
Ўзбекистоннинг барча меҳнаткаш-  
лари сизлар билан бўладиган уч-  
рашувларини гоёт ҳаяжонланиб  
кутмоқдалар.

Бу учрашувлар самимий ва  
қизғин бўлади. Сизлар учун ба-  
ғримиз очик. Ҳамма жойда сизлар-  
ни қизғин табриқлар ва қўл қи-  
шилар кутади. Ҳамма жойда сиз-  
ларни кўнглидан айтилган: Хўш  
келибсиз! Добро пожаловаты! —  
деган сўзларни эшитасиз.

(Давоми 4-бетда).



Ўтган яқинда кунини москвалик меҳмонлар пойтахт музика жамоатчилиги билан учрашдилар.

Суратда: Тошкентдаги композиторлар уйида учрашувлар пайти.

А. Палехов фотоси.



# ПАХТАКОР!

# ВАҚТ ҒАНИМАТ. ЧИГИТНИ ЯХШИ ИШЛАНГАН ЕРЛАРГА ТЕЗ ВА СИФАТЛИ ЭКИНГ!

## МЕХАНИЗАТОР— ДАЛА ХҲЖАЙИНИ

## АГРЕГАТЛАР БАРАҚЛА ГУРУЛЛАМОҚДА

«Қаловини топча, қор ёнади» дейди ҳаққоний. Ҳақ гап, ишларчи билса, экин битмайдиған ер йўқ, ҳосил бермайдиган экин йўқ. Бунини Янгийўла бошқармасидаги Эҳсонис номидаги колхоз мисолида кўриш мумкин.

Колхоз пахтакорлари ўтган йилда 937 гектар майдонча уруғ ташлашди. Ана шу майдоннинг деярли ҳаммаси паст-баландликдан, қир-адирдан иборат дейиш мумкин. Шунча қарамай, колхоз аъзолари мўл ҳосил етиштириш алоҳида техниканинг қудратидан, қўлайлигидан яхши фойдалана билдилар. Ачар Собитов, Холмат Қўзйўлов, Ғайбулла Ёсунбеков каби моҳир механикаторлар қия жойлардаги ғўзаларга ҳам уста-лик билан икки томонлама ишлов бердилар. Миришкор суғчи, Со-

циалистик Меҳнат Қаҳрамони Машираб Холбоев, тажрибали деҳқон Абди Аҳмедовлар ғўзаларни қўриқлаб, Вақтида, озиқлан-тирилиб, янги йиллардан пеш-ма-пеш тазалаб туришга, ғўзалар қўсига афғин-афғин пахтага айланди. Қўзға келиб, баракани хирмон қўтарилади: паст-баланд даладан 21 центнердан «оқ олтин» йиғиб олиниб, план 101 процент адо этилади.

Илғор бригадалари ҳосилдор-лик янада юқори бўлди. Комму-нист Ш. Муминов раҳбарлигида-ги 1-бригада далада 8 та аза-нат астойдил ишлаб, 55 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 29 центнердан ҳосил олди. Бу план-дагидан гектар бошича 4 цент-нердан ортиқ демакдир. Ўртоқ

М. Хўжақўмедов бошчилиги қи-ла-дан майдончи янги ерлар қўсига янада кенгайтирилди. Шимолий Тошкент канали атро-фидаги қўриқ ва боз ерларни очиб, олдинги йилларда иккинчи даражали экинлар экилган ер-ларни пахтазорга айлантириб, яна 173 гектар майдонни чигит экиш-га тайёрлаб қўйдилар. Шундай қилиб, колхоз аъзолари етти йил-ликнинг олтинчи йилида 1.100

гектар майдондан 2.500 тонна «оқ олтин» олишга аҳд қилишди. Қўшнинг қаттиқ ва қорли, ба-ҳорчи сарғин келишига қара-май, колхозчилар қўлдан экин-даврчи пухта ҳозирлик билан қўтиб олдилар. Улар ғанимат даладаги ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиб чигит экиш-далар. 1-, 2- ва бошқа бригад-ларнинг далаларида экин аъ-золарининг гуруллаган овози

тинмай эшитилиб турибди. Экин-ни тез ва соз тугаллаш учун 12 та агрегат ажратилган. А. Жон-тепиев, Д. Худойбердиев, А. Со-битов, Х. Қўзйўлов каби механи-каторлар ва постларда хушёрлик билан турибдилар.

Шу нарса қувончлики, пахта-дан мўл ҳосил олишда техника деҳқоннинг ҳақиқий дўсти, суяч-ки, таянчи эканлигига обдон ту-шиниб етган колхоз аъзолари

дала ишларини механизациялаш-тиришга тобора жиддий эътибор бермоқдалар. Бу йил ҳўжалик ҳисобига ғўла қўшган 21 та эвено тузилиб, буларнинг ҳаммасига механикаторлар бошчилик қи-ламоқдалар. Ўтган йилда колхозда бор-йўғи учтагина терим маши-наси бор бўлса, бу йил «пахта-зор поёновларининг» сони 10 та-га етказилди. 500 гектар майдон-даги ғўзаларни машина теримига мослаб лавариялаш қўзда ту-тилмоқда.

Ўтган йилда вазифасига суғу-қонлик билан қараб, бригадала-рида пахта тайёрлаш планини барбод қилган айрим раҳбарлар йрича ишчан ва талабчан кадр-лардан Шомурод Мамадалиев 6-бригадага, Холмат Қўзйўлов 13-бригадага, коммунист Тажикон Файзулла 14-бригадага раҳбар қи-либ тайинланди.

Пахтакорлар чигит экишни узо-ғи билан 8—10 кунда тугаллаш-га аҳд қилишди.

Б. МИРЗААХМЕДОВ,  
Янгийўла бошқармаси.

1-«Давларини» совхозининг азамат пахтакорлари отни жа-дал қамчиллашяпти. Чигит экин кундан-кунга қиялтило-моқда. Совхознинг 6-бўлимидаги ўртоқ Набижон Абубакиров бошчилик қилаётган бригада-да экин ишлари айниқса қиз-ғин. Бу йил 51 гектар майдон-ни ҳар гектаридан 30 цент-нердан «оқ олтин» етиштириш-га бел боғлаган миришкорлар чигитни 60х45 схемасида жой-лаштиришяпти. Сурада: Бри-гадир Набижон Абубакировнинг ўзи бошқараётган экинча дала-да чигит экипти.

А. АББАЛИ ФОТОСИ.

## ДЎСТЛАРДАН ЎРГАНИШ УЧУН

Пигирма икки чет эл мамла-катининг 46 йилги ва қизи — Патрис Лумумба номидаги қишлоқ дўстлиги университети қишлоқ ҳўжалик факультети-нинг студентлари Ўзбекистонга меҳмонлари бўдилар. Аммо, улар одатдаги меҳмонлар эмас. Жапон, Мали, Индонезия, Ку-ба, Кения, Камбоджа, Тунис, Сенегал, Судан ва Африка, Осиё ҳамда Латин Америкаси-даги бошқа мамлакатларнинг ва-киллари бу ерга бизнинг рес-публикамизни кўриш истагини на келтирган йўқ. Иккинчи курс студентлари икки ой даво-мида бу ерда тупроқшунослик ҳамда деҳқончилик ва чорвачи-лини механизациялаш бўйича ишлаб чиқариш практикасида-и ўтдилар. Учинчи курс студент-ларининг вазифалари янада му-раккабдир. Улар икки ой прак-тикада бўлдилар, сўнгра худ-ди шунча муваффақиятлар бил-диришлари материаллар тў-плайдилар.

Студентларнинг ҳар бири ўз-бек тупроғига биринчи марта қадам қўйди. Аммо улар рес-публика билан анча вақтдан бе-ри таниш. Бўлаётиб мутахассис-лар университетида ўтказилган меҳнуротларда ўқитувчилар-нинг ўзбек пахтакорлари ва эр-ригаторлари, шонликлари ва ма-мажўхоришларининг юксак ма-ҳорати ҳақида, пахтачиликни ва қишлоқ ҳўжалигининг бош-қа тармақларини комплекс ме-ханизациялаш бўйича респу-бликада қилинган ишлар тўғ-ри-сидаги ҳикояларини афр қи-я-чи билан тинглаганлар. Энди улар бу тажрибаларни амалда ўрганишлари керак. Универси-

тет студентлари илғор ҳўжа-ликларга жўнаб кетадилар. Улар энг яхши мутахассис ва механикаторларга ёрдамчи қи-либ билиниб қўйилади.

Практикантлар Ўзбекистонга қилинган сафардан яхши нати-жалар кутмоқдалар.

Меҳмонлар Ўзбекистонда бўлган дастлабки учрашувлар-дан, барча совет кишилари сингари республика меҳнаткаш-лари билан ҳам яхши, ҳақиқий дўстлар бўлиб қолишлариға ишонч ҳосил қилидилар.

(ЎЗТАТ).



## ҲОСИЛНИНГ 60 ПРОЦЕНТИНИ МАШИНАДА ТЕРАМИЗ

### ИЛҒОР ТАЖРИБА МИНБАРИ

ҳирлик билан фойдаланмоқдамиз. Экинчи сифатли ўтказиш ва ғўза қатор оралирида ишни пухта таш-кил этиш мақсадида тракторчилар бошчилигида комплекс механизациялаш зенитлар ташкил қи-лд. Бу зенитларнинг ҳар бирига 4—5 киши билиниб қўйилган. Улар ҳўжалик ҳисобида ишлаш-моқда. Зенитларда ишчи кучлари-нинг кам бўлиши, техникадан са-марали фойдаланишнинг аҳамия-ти ниҳоятда катта. Махсусот ети-штириш арзонлашади. Пахтанинг таннархи камаяди.

Тракторчи зенит бошчиқларимиз самарали меҳнат қилишди, энг яхши ўғитилиб сифатли хайдал-ган ерларга чигит экин учун, ҳар бир картада аниқ квадратлар

нинг бўлиши учун тинмай ҳаракат қилмоқдалар. Бизда авваллар майдда карталар жуда кўп эди. Бу эса тракторлардан моҳирлик бил-лан фойдаланиш, пахтани машина билан теримга тўла имкон бермас эди. Бу карталарни йириклашти-ришда, керакисиз ариқларни текислаб, улар ўрнига чигит эки-моқдамиз. Ана шундай майдда кар-талардан 150 гектари шу йилнинг ўзига йириклаштирилди. Энди-ликда 40—50 гектар карталар ерларимиз жуда қўлайлиб қолди.

Колхозимиз механикаторлар оқ-қўрғонликлардан ўнган олиб, қи-лининг қўлини «зағори кема»-га ердами билан териб олишга ҳаракат қилмоқдалар. Ўтган йил-хаммаси бўлиб 1.600 тонна пахта-

ни машина билан териб олган бў-лак, бу йил ҳамда 2.500 тонна пахтани машиналар ердами билан териб оламиз. Бу ҳосилнинг қи-риб 60 процентини машиналар билан йиғитириб олиш деган сў-дир. Хозир бизда 30 та пахта терим машинаси бор. Яқиндагина яна биз қўшимча равишда бешта янги терим агрегатлари сотиб ол-дик. Биз ҳар бир агрегатнинг унумли ишлаши учун ҳозирдан ҳаракат қилиб, ерларимизни ма-шина теримига мослаштирмоқда-миз.

Кадрларимизнинг ҳаммаси ўз билимларини ва иш малакаларини оширишга ҳаракат қилишмоқда. Далада самарали меҳнат қилаёт-ган деҳқонларимиз кечқурунлари турли тўғаракларнинг машғулот-ларида актив қатнашиб ўқинмоқ-да. 23 киши ғўзани қандай суго-

риш ва сувдан қандай қилиб сама-рали фойдаланиш бўйича ташкил қилинган курсда ўқинди. Бундан ташқари қўшнинг деҳқонлар агро-номияни ўқитишга қатнашмоқ-да. Тажрибали деҳқон ўртоқ Б. Холматов бошчи бригадининг меҳнатсеварлари ҳақида қувониб гапириб мумкин. Улар Ўтган йилда 97 гектар ернинг ҳар гекта-ридан 33 центнердан хирмон қў-таришди. Бу йил эса уларнинг ахли яна ҳам катта. Ўлар ҳамда ҳар гектаридан етиштирилган ҳосилни 38 центнерга етказиш учун курашмоқдалар. Бригададаги ҳар бир киши ўқийди, ўрганади. Ишда юксак меҳнат намуналарини кўрсатишмоқда.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Ли Николай бошчи бригадининг аъзолари ҳақида ҳам жуда қувониб гапирган айтин мумкин. Бу ерда ўқимайдиган деярли биронта ҳам деҳқон йўқ. Улар ҳар бир картага меҳр билан ишлов бериб, чигит экишмоқда. Уларнинг анимасида ҳам катта маънубият бор. Ўлар ҳамда ҳар гектаридан 40 центнерга етказиб ҳосил олиш учун курашмоқдалар.

Колхозимиз деҳқонлари афр аҳилини билан меҳнат қилиб, қишлоқ ҳўжалигини интенсивлаш ва деҳқондорлини тобора ошириш учун курашядилар.

ТЕН ЕН СЕБ.

Ўрта Чирчиқдаги «Полярная звезда» колхозининг бош агро-номини, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

## ФАРОВОН ҲАЁТ

«Москва» совхози тобора юксалиб бормоқда. Ҳўжалик аъзолари бу йил ҳам шаҳарчиларга мўл-кўл сазбавот ва полив экинлари етказиб бериш учун бел боғлаганлар.

Совхоз маъмурияти мўл ҳосил етиштириш билан бирга кишилар-нинг маданий ва маънавий турмуши-ни яхшилашга ҳаракат қилмоқда. Яқинда ўн оила учун янги турар жой биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Бундан бир йил аввал «Назарбек» совхозидан ағирлаб чиққан бу сов-хоз қисқа вақт ичида машина-трак-тор устaxonиси, 120 тонна сазбавот ва картошка сингидан янги омбор-хона қуриб олди.

Бу йил совхозда яна 40 гектар ер-да қурилиш ишлари бошлаб юбори-лади. Бу ерда 50 ўринли боғчалар боғчалас, 50 ўринли насалхона, мине-рал ўғит учун омборхона, устaxonа ва 50 оила учун янги турар-жойлар ҳамда совхоз идораси учун янги би-но қурилади.

М. МИРЗАЕВА

И. РУСТАМОВ

Калинин бошқармаси.

## ОТАХОНЛАР ҲИММАТИ

Янгийўла ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» колхоз-ида 60 ёшлик пенсионер Тўлаған ота Тўйчиев бошлиқ кексалар бри-гадаси ташкил этилди. Баҳор келиши билан бригада ерларида ҳам дала ишлари қизитиб юборилди. Қуни кеча эса 8 гектар ерга даст-лабки чигит экилди.

30 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун кураш бошлаган отахонлар ҳимматидан ҳамма мамун бўляпти.

А. РАХИМОВ.



Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасидаги Киров но-ми колхоз чорвадорлари бу йил давлатга пландан ташка-ри 5 тонна кўп чўча қўшти етказиб беришга аҳд қилган-лар. Сурада: (чапдан) колхозининг энг яхши чўчақор-ларидан Сим Сан-дин, Константин Югай ва Василья Га-вин ўртоқлар.

К. Тошбулатов фотоси.

## ЯШИЛ КВАДРАТЛАР

Ишбилармон деҳқон аввало вақтнинг нафрети етади. У вақти кетса, нафди негити-ни яхши билади. Шунинг учун ҳам ҳар бир дақиқадан, айниқса баҳорнинг ҳар ламидан илҳами борича унумли фойдаланишга оши-нади. «Буна» совхозининг пахтакорлари ҳам ана шундай ишбилармон, гайратли деҳқонлардан-дилар. Ҳозир совхоз далаларида меҳнат а-жига минган. Чигит экин агрегатларининг экинжаз аъзолари ҳар кун илҳами борича кўп-роқ майдонга барака уруғи қадам учун гай-ратга-гайрат қўшиб ишламоқдалар.

Айниқса ўртоқ Н. Хайитмаматов бошқара-ётган бўлиқда чигит экин қизиги тус олган. Ўртоқ М. Эммурадов бошлиқ комсомол ёшлар бригадасининг ишлари кишини бениҳоя руҳ-лантиради. Бу бригада аъзолари ўтган йил-да жуда катта ютуқларни қўлга киритиб, совхоз ишчиларини хурсанд қилган эдилар. Етти йил-ликнинг бешинчи йилида бу бригадада 40 гек-тар янги ер ўзлаштирилди. Ана шу ерлардан биринчи йилиёқ 22 центнердан «оқ олтин» олиниб ва давлатга пландагидан ташқари 240 центнер кўп пахта сотилди.

— Бригаданимиз аъзоларининг бу йилги аҳд-лари янада юксак — дейди бригадир ўртоқ М. Эммурадов. — Янги ер ўзлаштириш да-вом эттириб, бу йил пахта майдонларимизни 60 гектарга етказдик. Партиямиз тоқсондан кўйилган 25 центнерлик марра — бу йил биз-нинг маррамиздир. Ана шунга эришиш учун

қилиш билан пухта тайёрлардик кўриб чиқдик. Ер ўғитга тўйдирилди, ариқ-зуворларнинг ҳаммаси барвақт тазаланди. Чигит экинчи бошладан бурун ҳар гектар ерга 500 кило-граммдан фосфор солдик. Энди эса барака уруғини нафрети текисланган майдонларга экинмиз. Натияжада квадратлар аниқ бўлиб чиқяпти.

Ҳа, бригадада квадратлар аниқ бўлиб чи-қяпти. Бунда тракторчи А. Фозилов ва сеял-качи У. Хидиртоев ўртоқларининг хиссаси кат-тадир. Улар бошқараётган агрегат ҳар кун 6—7 гектар майдонга чигитни квадрат-уялаб жойлаштирапти.

Бригадада ҳозирдан бошлаб машина те-римини қўзғалаб иш юритилляпти. Маълумки, машиналар унумли ишлаши учун пайкалла ғўза туллари бир хил қилинликда бўлиши, ғўсимдик бир текис ўсган бўлиши керак. Бун-га эришишга уруғини ерга маълум микдорда экин катта аҳамиятга эгадир. Ана шунин на-зарда тутиб, бригада аъзолари 50 гектар ер-га белгиланган микдорда уруғ ташлайдиган сеялка билан чигит экинляпти.

Бўлимнинг ўртоқ Т. Ёролов бошчилик қи-лаётган бригадасида ҳам экин агрегатлари тинмай ишлаб турибди. Тракторчи Қўшқобой Қорабоев бошқараётган агрегатнинг экинжаз аъзолари етилган ерларга таллаб чигит экин-да бошқаларга намуна бўлишяпти.

Бўлиқда ўтган йил пахта планини бажар-

маган биронта ҳам бригада қолмаган эди. Бу йил эса 25 центнердан ҳам ҳосил оладиган бирорта бригадани ҳам қолдирмасини учун қизиги кураш кетяпти. Колхоз бўйича ҳар гектар ердан 30 центнердан пахта етиштириш қўзда тутилмоқда. Қўлоқ участкаларида ҳозир-дорлини ошириш, пахта таннархини арзон-лаштириш мақсадида 17 та топонки, қў-чиевин эвено ташкил этилди. Бу йил ҳўжа-ликда пахтани машинада теримга ҳам катта эътибор берилди. Қўзда ҳамда 750 гектар майдондаги ҳосил «зағори кема»лар билан йиғиб-териб олинади. Бунинг учун ҳозирданок пухта таралдув қўрилмоқда. 700 гектардан ортиқроқ ерга белгиланган микдорда уруғ ташлайдиган сеялкалар билан чигит экинля-тир.

Бошқармада энг биринчилар қаторида чигит экинчи бошлаб юборган бўлган пахтакор-лари экинчи 10 иш кунинда тугаллашга аҳд қилиб, кун сайин ишни жадаллаштиришяпти.

Э. ЙЎЛДОШЕВ.

## «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

3-БЕТ, 21 АПРЕЛЬ 1964 ЙИЛ.

